

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.FiL/Ped.83.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАБИПОВА РИВАННА АБДУЛЛАЕВНА**

**ИНГЛИЗ ВА ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛЛАРИДА ИНСТРУМЕНТАЛ  
СИНТАКСЕМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАРИАНТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий-адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological science**

**Хабилова Риванна Абдуллаевна**

Инглиз ва қорақалпоқ тилларида инструментал синтаксемалар ва уларнинг  
вариантлари ..... 3

**Хабилова Риванна Абдуллаевна**

Инструментальные синтаксемы английского и каракалпакского языков и их  
варианты ..... 27

**Khabipova Rivanna Abdullaevna**

Instrumental syntaxemes of English and Karakalpak languages and their  
variants ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 55

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.FiL/Ped.83.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАБИПОВА РИВАННА АБДУЛЛАЕВНА**

**ИНГЛИЗ ВА ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛЛАРИДА ИНСТРУМЕНТАЛ  
СИНТАКСЕМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАРИАНТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий-адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

Филология фаилари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Ғil376 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилида (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.samdchti.uz](http://www.samdchti.uz)) ҳамда "ZiyoNet" ахборот тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Усмонов Урал Усманович  
филология фаилари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:** Ризаев Баходир Хайдарович  
филология фаилари доктори, профессор  
Қдырбаева Гулзира Курбанбаевна  
филология фаилари буйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Етакчи ташкилот:** Урганч давлат университети

Диссертация химояси Самарқанд давлат чет тиллар институти хузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Ғil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 16-сентябр соат 16 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37; факс: (99878) 210-00-18; e-mail: [info@samdchti.uz](mailto:info@samdchti.uz). Самарқанд давлат чет тиллар институти бош биноси).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 40085 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37.

Диссертация автореферати 2020 йил 07-сентябр куни тарқатилди.  
(2020 йил " " даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)



**П.М. Тухтасинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фаилари доктори, профессор

**А.А. Яхшиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фаилари номзоди, доцент

**Ш.С. Сафаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фаилари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигининг сўнги давр ривожда тил тизими синтаксис сатҳининг анча мураккаб ва кўп қатламли тузилишини ўрганиш масаласи янада долзарблашиб бормоқда. Синтактик семантика ифодаланишининг асосий кўрсаткичлари, хусусан, инструменталлик белгисининг чоғиштирма-функционал тадқиқи тилшуносликнинг янги соҳалари тараққиёти ҳамда унинг бошқа фанлар билан интеграциясини белгиловчи омиллардан ҳисобланади. Тадқиқ объектига тизимли ёндашиш негизда лисоний бирликларни функционал-семантик жиҳатдан таҳлил қилиш, уларнинг ифода имкониятларини аниқлаш заруратининг пайдо бўлиши мазкур тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди. Бинобарин, бундай тадқиқот зарурати тиллар ўртасидаги умумий ва хусусий жиҳатларни очиб беришда, компаративистиканинг ҳал қилинмаган масалаларини ойдинлаштиришда, тиллар типологияси, таржимашуносликда, матн автоматик таҳлили ривожда катта ҳисса қўшиши мумкинлиги билан белгиланади.

Дунё тилшунослигида тил тизимининг синтаксис сатҳида намоён бўладиган ҳодисалар, уларни тавсифлаш ва таснифлаш муаммолари билан боғлиқ тадқиқотлар узлуксиз амалга оширилаётган бўлса-да, синтактик бирликларнинг функционал-семантик мақоми бир неча тилларни чоғиштириш кесимида батафсил ўрганилмаган. Айни пайтда, инглиз ва қорақалпоқ тилларига мансуб ва инструменталлик мазмунига эга бўлган бирликлар чоғиштирма тадқиқиға эҳтиёж мавжуд. Бу бизни мазкур тадқиқотда инглиз ва қорақалпоқ тиллари бадий микроматнларида инструменталлик иштирок этган гап тузилмаларини компонентларга ва синтаксемаларга ажратиб қиёсий-функционал тадқиқ қилишга ундади ва шу асосда мазкур мавзу танланди. Туркийшуносликда инструменталлик категориясини бундай мажмуавий ўрганиш, уларнинг изоморфлик ва алломорфлик ҳолатларини аниқлаш масаласи синтаксис фани ривожини учун долзарбдир.

Мамлакатимизда кенг миқёсда ислохотлар олиб борилаётган ҳозирги даврда ёш авлоднинг таълим ва тарбия даражасини юксалтириш, унинг интеллектуал салоҳиятини оширишга катта эътибор берилмоқда. Тараққиёт тамойилларига асосланган ҳолда “...илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш”<sup>1</sup> устувор вазифага айланди. Мамлакатнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожининг барча жабҳаларида фаннинг ролини кучайтириш сари қўйилаётган қадамлар чет тилларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уларни она тилимиз билан қиёсий тадқиқ қилишга қаратилган тадқиқотлар ва изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ – 1947 – сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909–сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ – 3775 – сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610 – сонли “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги қарори, ва бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тилшуносликда санокли мақолалардагина инструменталлик масаласи келишик шакллариغا нисбатан талқин этилган<sup>2</sup>, анъанавий грамматикада бу ходиса иккинчи даражали бўлақлар доирасида ўрганилиб, инструменталлик алоҳида синтактик–семантик категория сифатида диссертацион тадқиқот доирасида этилмаган<sup>3</sup>. З.Д. Попова, В.В. Виноградов, Г.Г.Почепцов каби айрим тилшунослар инструменталликни ҳол ва тўлдирувчи доирасида ўрганиб, гап таркибида унинг кесим ўрнида келган феълнинг маъноси билан боғлиқлигини эътироф этган<sup>4</sup>. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тилшуносликда функционал синтаксис йўналиши тараққий этиши жараёнида инструменталлик прагматик нуқтаи назаридан талқин этилиб, пропозиция доирасида инструментал актант мавжудлиги эътироф этилса-да, уни, асосан, гап қурилмасида иштирок этувчи от ва феъл туркумларига оид сўзларнинг луғавий маъноси кўламида изоҳлашга ҳаракат қилинган<sup>5</sup>. Инструменталлик категорияси А.М.Мухин

<sup>2</sup>Филлмор Ч. Дело о падеже, Новая в зарубежной лингвистике. Вып. . Лингвистическая семантика, Москва, 1981. – С. 369-435; Кацнельсон С.Д. Заметки о падежной теории Ч.Филлмора // Вопросы языкознания, №1, 1988. – С 110–117; Мустайоки А. Возможно ли грамматика на семантической основе? // Вопросы языкознания, №3, 1997 – С. 15-25.

<sup>3</sup>Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков. – Ленинград: Просвещение, 1979. – С. 110–117; Холодович А.А. О второстепенных членах предложения // НДВШ, Филологические науки. 1969. №4. – С. 18-31; Jacobs R.A. English Syntax. – Oxford: Oxford University Press, 1995. – 378 p; James C. Contrastive analysis. LongmanCroupLTD, 1983. –148 p

<sup>4</sup>Попова З.Д. К теории падежного значения. // Вопросы языкознания, 1970, №4. – С. 81-91; Виноградов В.В. Некоторые задачи изучения синтаксиса простого предложения // Вопросы языкознания, 1954, №1. – С. 3–29; Рахимов С. Речевая коммуникация и проблемы дейксиса в разнотипных языках. – Ташкент: Фан, 1988. – 89с.

<sup>5</sup>Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. – Москва: Наука, 2006. – 467 с; Мустайоки А. Теория функционального синтаксиса. – Москва: Наука, 2006. – 321с; KiklevizA.K. Об некоторых

тузган синтактик-семантик белгилар рўйхатига аллақачон киритилган бўлса-да<sup>6</sup>, лекин мазмунида ушбу белги мавжуд бўлган синтаксемаларнинг тил тизимидаги моҳияти, тўлиқ ёритилмаган. Инструменталликнинг синтактик–семантик категория сифатида гап қурилмасида тутган ўрни, унинг вариантлари парадигматик қатори инглиз ва қорақалпоқ тиллари мисолида шу пайтгача синтактик мазмун ифодаси нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Гапнинг ташқи ва ички структураси, уни қиёсий типологияга татбиқ этиш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инглиз ва қорақалпоқ тиллари гап қурилмасида инструменталлик категориясининг воқеланиш ҳолатларини таҳлил қилиш ҳамда шу категория доирасида шаклланадиган синтаксемаларнинг коннотатив ва факультатив вариантлари парадигматик қаторини чоғиштириб ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

инглиз ва қорақалпоқ тиллари гап қурилмасида инструменталликни ифодаловчи бирликларнинг синтактик-семантик мақомини аниқлаш;

инглиз ва қорақалпоқ тиллари гап қурилмасида инструменталликнинг эксплицит ва имплицит тарзда ифодаланишини таъминловчи омилларни белгилаш;

кесим вазифасида келган феълларни лексик-семантик гуруҳларга таснифлаш орқали инструментал синтаксемалар вариантларининг луғавий қуршови ва ифода воситаларини аниқлаш;

қардош бўлмаган тиллар тизимида инструментал синтаксемани ифодаловчи бирликларнинг гап таркибидаги бошқа бирликлар билан ўзаро синтактик алоқасини белгилаш ва ҳар иккала тиллар гап қурилмасида инструменталликни ифодаловчи бирликларнинг дифференциал синтактик белгиларини ажратиш;

инструментал синтаксемалар вариантларини қиёсий–функционал тадқиқ қилиш асосида чоғиштирилаётган тиллар тизимида инструментал синтаксемалар ва уларнинг парадигматик қаторларидаги асосий изоморфлик ва алломорфлик хусусиятларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объектини** инглиз ва қорақалпоқ бадий матнларидан олинган, таркибида инструментал синтаксемалар ҳамда уларнинг вариантлари иштирок этган гап қурилмалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предмети** нутқий тузилмалар таркибида иштирок этган синтактик бирликлар мазмунида эксплицит ва имплицит тарзда юзага чиқувчи инструменталлик белгиси таҳлилидан иборат.

---

синтаксисных уласцивасцях квантарных лексем // Вестник Белорусского Университета, 1993, IV/2. – С. 30-34.

<sup>6</sup>Мухин А.М. Синтаксемный анализ и проблема уровней языка. –Ленинград: Наука, 1980.–304 с

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тавсифий, чоғиштирма-типологик, дистрибутив семантик–синтактик кузатиш, трансформация усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

инглиз ва қорақалпоқ тиллари гап қурилмасида инструменталликни ифодаловчи воситаларнинг тил тизими ва нутқий мулоқот муносабатида намоён бўладиган семантик-синтактик мақомини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

гап таркибида иштирок этган синтактик бирликларнинг ўзаро алоқалари аниқланиб, уларнинг морфологик мослашув, битишув ва бошқарув лексик муносабат асосида тил тизимининг луғавий қатламида юзага келиши исботланган;

инструменталлик синтактик-семантик белгисига эга бирликлар иштирок этган синтактик қурилмаларни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш усуллариининг самарадорлиги нутқий тузилмаларнинг мазмуний симметриясига асосланган лингвистик методлар татбиқида далилланган;

гапнинг ташқи, ички қурилмаларини синтагматика ва парадигматика нуқтаи назардан таҳлил қилиш амалиётига аниқлик киритувчи функционал синтаксис таҳлил йўналиши ва унинг таҳлил усуллари яратилган;

инглиз ва қорақалпоқ тиллари гап қурилмасидаги инструментал синтаксемалар ҳамда уларнинг вариантларидаги изоморфлик ва алломорфлик хусусиятларидаги фарқли жиҳатлар аниқ белгилаб чиқилган

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

инструменталликнинг синтактик сатҳда семантик категория сифатида воқеланиши изоҳлаб берилган;

функционал синтаксиснинг тадқиқот объектларидан бири эканлигидан келиб чиқиб, инглиз ва қорақалпоқ тиллари тизими қиёсий тадқиқ қилинган;

гап таркибида инструменталликни ифодаловчи бирликларнинг синтактик ўрни ҳамда синтактик алоқалар базасида ажратилган компонентларнинг дифференциал синтактик–семантик белгилари аниқланган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланган ёндашув ва усулларнинг замонавий лингвистик назарияларга мослиги ҳамда методологик жиҳатдан асосланганлиги, тадқиқ материалининг ишончли манбалардан олинганлиги, муаммонинг аниқ шакллантирилганлиги, хулосаларнинг қатъийлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижалар жорийланишининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инглиз ва қорақалпоқ тиллари материаллари асосида бадиий микромаъноларда инструменталликни ифодаловчи синтактик бирликлар лингвистик методлар татбиқида қиёсий–функционал аспектда таҳлил қилиниши ва уларнинг изоморфлик ва алломорфлик хусусиятлари атрофлича очиқ берилиши ҳамда синтактик алоқалар базасида гап таҳлилига янгича ёндашув натижасида синтагматик



йўналишда гап қурилмасидаги синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик белгилари, яъни компонент таркиби аниқланиши, парадигматик йўналишда эса синтактик бирликларнинг синтактик–семантик белгиларини фарқлаш ва уларни тизимлаштириш контрастив синтаксиснинг муҳим бир босқичи эканлиги аниқланганлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишда амалга оширилган лингвистик таҳлил натижаларидан “Назарий ва амалий грамматика”, “Қиёсий типология” фанларидан дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратишда, ушбу фанлардан назарий ва амалий машғулотлар олиб бориш ва магистратура босқичида замонавий тилшуносликнинг долзарб муаммолари, систем тилшунослик, лингвистик тадқиқот методлари, гапнинг ташқи ва ички қурилмалари каби йўналишларда махсус курсларни ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инглиз ва қорақалпоқ тилларида инструментал синтаксемалар ва уларнинг вариантлари тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қардош бўлмаган тилларни чоғиштириш, синтактик семантика, таржима назарияси ва амалиётига доир илмий–назарий хулосалардан ФА–Ф1–Г003 рақамли «Қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Қорақалпоқ Гуманитар фанлар илмий–тадқиқот институтининг 2020 йил 14 сентябрдаги 17.01/92–сон маълумотномаси). Натижада ишда ақс этган лингвистик қарашлар, тилларни қиёсий–типологик ўрганишга оид назарий йўналишлар, инглиз ва қорақалпоқ тилларини функционал асосда ўрганишга доир илмий хулосалар лойиҳани–методологик жиҳатдан бойитишга хизмат қилган;

тадқиқотнинг синтактик конструкцияларни аниқ ифодали таржима қилиш ва ўқувчиларга таъсирчан ва тез етказиш учун мўлжалланган материаллардан расмий нутқ жараёнларини оптималлаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Тарихи ва Маданияти давлат музейида халқ этнографияси, тарихи ва маданияти, археологияси ва ҳунармандчилиги, тарихий ёдгорликлари бўйича хорижий меҳмонлар ва маҳаллий саёҳатчиларга тушунчалар беришда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Тарихи ва Маданияти давлат музейи раҳбариятининг 2020 йил 14 сентябрдаги 2-02/1082–сонли маълумотномаси). Натижада хорижий ва маҳаллий сайёҳлар республика халқи, маданияти, ҳудуди ҳақида етарлича маълумотларга эга бўлиши ва инглиз, қорақалпоқ тилларида баён қилинган ахборотлар савияси оширилишига хизмат қилган;

лисоний бирликларнинг функционал-семантик хусусиятлари таҳлили натижасидан «Қорақалпоғистон» радиоканалида 2018 йил 6 ноябрь куни олиб борилган “Давр нафаси” эшиттиришида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг 2018 йил 26 ноябрдаги 01–02/541–сонли маълумотномаси). Натижада фойдаланилган лисоний материаллар “Қорақалпоғистон” радиоканалининг инглиз тилида олиб бораётган эшиттиришлари савияси ва самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та халқаро, 4 та республика миқёсидаги илмий–амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш нашр қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, 2 таси хорижий журналда чоп қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 136 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объект ва предмети тавсифланган, фойдаланилган тадқиқот усуллари кўрсатилган, тадқиқотнинг янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги асосланган ва уларнинг амалиётга татбиқ этилиши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Тилшуносликда гапнинг синтактик таҳлили муаммоси**”, деб номланган биринчи бобида гап ҳодисаси, унинг ташқи ва ички тузилиши таҳлиliga оид муаммолар муҳокама қилиниб, гап бўлақларини ажратишнинг синтактик – семантик ва функционал тамойиллари аниқланган.

Инструменталлик категорияси иккинчи даражали бўлақлар доирасида, яъни ҳол ва тўлдирувчи қамровида қаралиб, у алоҳида категория сифатида ажратилмайди, чунки ҳол ва тўлдирувчини фарқлашда қатор муаммолар мавжуд. Масалан, “Инглиз тили назарий грамматикаси” дарслиги муаллифлари “ҳол- гап бўлаги бўлиб, кесимга ҳамда аниқловчига ёки бошқа бўлақларга дахлдор бўлиб, одатда, у ҳаракат белгисини ёки белгининг белгисини ифодалайди” деб ҳисоблайди [47, 231]<sup>7</sup>.

Б.А. Ильишнинг таъкидлашича, “Adverbial modifier” иккинчи даражали бўлақлардан бири бўлган ҳолни аташ учун унчалик мос эмас. “Adverbial” деганда икки ҳил тушинча мавжуд, лекин иккаласи ҳам кўзланган мақсадни англатмайди. Биринчидан, ҳол ҳар доим равиш билан ифодаланади деган тушунча нотўғри, чунки ҳол турли морфологик воситалар ёрдамида ифодаланиши мумкин. Иккинчидан, ҳол ҳар доим феълни аниқлайди деган тушинча ҳам нотўғри, ҳол гап таркибида сифат, равиш, от ёки феъл кабилар ёрдамида ифодаланган гап бўлаги бўлиши мумкин<sup>8</sup>.

<sup>7</sup>Жигадло В.Н., Иванова И.П., Иофик Л.Л. Современный английский язык. Теоретический курс грамматики. – Москва:Изд–волит–рынаиностр. языке, 1956. –350 с.

<sup>8</sup>Irtinyeva N.F., Barsova O.M., Blokh M.Y., Shapkin A.P, A Theoretical English Grammar (Syntax) – Moscow: Higher school publishing house, 1969. –144 p.

Бундай назарий қарашлар синтаксис соҳасининг ривожланишига салмоқли ҳисса бўлиб кўшилганига қарамасдан, гап қурилмаларида бош ва иккинчи даражали бўлақларни ажратиш тамойилларини ва уларни тадқиқ этиш лингвистик методларини тўла аниқлаб бера олмади.

Юқорида қайд қилинган фикрлар, гапнинг синтактик таҳлиliga турлича ёндашувлар тарқалганидан гувоҳлик беради. Уларни бироз умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, ҳар бир гап бўлагининг морфологик ва синтактик хусусиятлари ўрганилганда, уларнинг қандай сўз туркуми билан ифодаланиши, лексик бирликларнинг қандай шаклда бўлиши ва қандай синтактик алоқа асосида бошқа бирликлар билан боғланиши инобатга олинади. Аммо синтактик алоқалар ҳозирги замон тилшунослигида баҳсталаб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Аксарият олимлар синтактик алоқалар сифатида мослашув, битишув ва бошқарувни эътироф этишган. Ушбу алоқалар универсал характерга эга эмас, чунки гапнинг синтактик сатҳидаги таҳлили жараёнида улар умуман назардан четда қолади. Бинобарин, мослашув асосан морфологик сатҳда кўзга ташланса, битишув ва бошқарув, ўз навбатида, лексик сатҳда намоён бўлади. Баъзи тилшуносларнинг изоҳлашича, синтактик алоқалар предикатив ва предикатив бўлмаган синтактик алоқаларга ажралади<sup>9</sup>. Предикатив сўз бирикмалари грамматик жиҳатдан бажарадиган функцияларга қараб асосан гап таркибида икки грамматик функцияни, яъни предикативликни ва модалликни ифодалайди. Нопредикатив сўз бирикмаларида эса мослашув, бошқарув, ва битишув кабилар синтактик алоқа сифатида ишлатилади. Бу масала анчагина баҳсталабдир.<sup>10</sup> Шундай қилиб, гап қурилмасининг синтактик таҳлили борасида кўпгина ўз ечимини кутаётган муаммоларнинг борлигига гувоҳ бўламиз. Иккинчи даражали бўлақлар муаммоси доирасида янада кўпроқ баҳсталаб масалалар мавжудлиги, улар атрофлича ўрганилмаганлиги маълум бўлади. Тил бирликларининг синтактик таҳлили жараёнида тилшунослар асосан қуйидаги лингвистик методлардан фойдаланади:

1. Бош ва иккинчи даражали бўлақларга ажратиб таҳлил қилиш.
2. Гап мазмунини тема ва рема қисмларига тақсимлаш.
3. Гап структурасини бевосита иштирокчиларга ажратиш.
4. Деривация имкониятларини аниқлашга йўналтирилган таҳлил.
5. Компонентларга ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш.

Гапнинг структур таҳлили гап таркибида иштирок этган синтактик бирликларнинг ўзаро синтактик алоқаларини аниқлаш ва уларни юнкцион моделда изоҳлаш ва ўша синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик белгиларини ва морфологик ифодаланиш хусусиятларини компонент моделлар ёрдамида кўрсатиб беришдан иборат. А.М. Мухиннинг таъкидлашича, “Гап қурилмасининг функционал таҳлили муаммоси асосан ўтган асрнинг 90-йилларида структур синтаксисга тескари йўналишда

<sup>9</sup>Алпатов В.М. Лингвистические описание и языковая компетенция лингвиста // Известия РАН. Серия литература и языка, 2010.т.69.№1. – С. 20-27.

<sup>10</sup>Нурмонов А. Тилни системали ўрганиш ва синтаксиснинг айрим мунозарали масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1988. №5. –Б.22-26


шаклланди. Структур синтаксис йўналишида гапларнинг ички алоқалар замирида юзага келадиган тузилишини ўрганиш ва уларни компонентларга ажратиш назарда тутилади. Синтаксемалар эса кичик функционал синтактик бирликлар сифатида, синтактик-семантик белгиларига нисбатан фарқланади ва парадигматик кўрсаткичларига нисбатан гуруҳланади”<sup>11</sup>.

Кўринадикки, гап қурилмаси структур синтаксис доирасида, яъни компонентларга ажратиб таҳлил қилинса, функционал синтаксисда эса гап таркибида иштирок этган бирликларни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш зарур бўлади. Структур ва функционал синтаксис бир–бири билан боғлиқ бўлиб, улар гап таҳлили мундарижасига кўра бир–бирини тўлдирди. Гапнинг ташқи қурилмасини анъанавий грамматикалардан ўрин олган бош бўлақлар ва иккинчи даражали бўлақлар йиғиндиси ташкил қилса, ички қурилмаси эса гап таркибида иштирок этган синтактик бирликларнинг синтактик сатҳдаги семантикасидан иборат. Ҳозирги замон тилшунослигида синтактик ҳодисаларни таҳлил қилишда дистрибутив, бевосита ташкил этувчиларга ажратиш, трансформация, субституция, компонент ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш каби лингвистик методлар мавжуд бўлиб, улардан асосан кичик синтаксис доирасида кенгроқ фойдаланилади. Ҳар қандай синтактик объектни тадқиқ этишда қайд қилинган методларни бир–биридан ажратган ҳолда татбиқ этиш тавсия қилинмайди, чунки тадқиқот жараёнида ушбу методлардан унумли фойдаланилса, улар бир–бирини тўлғазади. А.М.Мухин<sup>12</sup> ишлаб чиққан синтактик алоқаларни ажратиш методи асосида қуйидаги гапларнинг ташқи қурилмасини компонентларга тақсимлаб таҳлил қиламиз.

1. He drank (CSI,58);
2. I’ll have finished it (EHF,59);

Ушбу гаплар ташқи қурилмасининг компонент таҳлили гап таркибида келган *He* ва *drank* (1), *I* ва *shall have finished* (2), каби синтактик бирликлар ўзаро ядро предикатив алоқа асосида боғланганлигини кўрсатади.

Биринчи гапнинг юнкцион ва компонент моделларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:



Иккинчи гапни компонентларга ажратиб таҳлил қилишда, авваламбор, ядро компонентларни аниқлаш мақсадида тобе унсурларни тушириб қолдириш трансформациясидан фойдаланиш мумкин.

- 2) I’ll have finished it → I’ll have finished....


Мазкур трансформация якунида, ядро компонентлар аниқланади. Бу гапни юнкцион моделда изоҳлашда тобе компонент ҳоким компонент билан

<sup>11</sup>Мухин А.М. Функциональный синтаксис. Функциональная лексикология. Функциональная морфология. С. Петербург: СПб, 2007.–198 с.

<sup>12</sup>Мухин А.М. Структура предложений и их модели. – Ленинград: Наука, 1968. –230 с.

субординатив алоқа асосида боғланади, ва таянч компонент томон йўналтирилган кўрсаткичли бир чизик (← ёки →) билан белгиланади.

## 2) I'll have finished it.



Ушбу гап қурилмасида, ноядровий тобе компонентлар ядро предикатив 1, ядро предикатив 2 ҳамда ноядровий тобе компонентлар сифатида фарқланади ва улар субординатив алоқа ёрдамида боғланади. Уюшиқ компонентлар ўзаро координатив алоқа билан боғланади. Координатив алоқанинг бошқа синтактик алоқадан юнкцион моделдаги фарқи шундаки, унда гап бўлаклари кўрсатувчилар ёрдамида, яъни ядро предикатланувчи 1 ва ядро предикатловчи 2 ёки ноядровий тобе компонентнинг ҳоким компонентга йўналтирилганлигидек ҳамда компонентлар бир-бирига қарама-қарши қўйилмасдан, уюшиқ бўлақларнинг қандай синтактик ўринда келишидан қатъий назар, бир-бири билан боғлайдиган синтактик алоқадир.

Координатив алоқанинг бошқа синтактик алоқалардан фарқи шундаки, унда гап бўлаклари кўрсаткичлар ёрдамида боғланмайди ва синтактик бирликлар бир-бирига қарама-қарши қўйилмайди.<sup>13</sup> Демак, координатив алоқанинг асосий вазифаси бир хил дифференциал синтактик белгига эга бўлган, яъни уюшиб келган компонентларни бир-бири билан тенг боғлашдан иборатдир. Координатив алоқанинг бошқа синтактик алоқалардан асосий фарқи шундаки, уюшиб келган синтактик бирлик гап таркибида қандай синтактик ўринда келишидан қатъий назар, улар шаклан бириктирувчи боғловчилар *and, nor, as well as, both... and, neither ... nor, not only, ... but (also)*, ҳамда айрувчи боғловчилар *or, either... or*, ёки зидловчи боғловчилар *but, yet* ҳамда паузалар (ёзма нутқда вергуллар) ёрдамида алоқага киришади<sup>14</sup>.

Гапнинг ички қурилмаси тушунчаси “трансформацион грамматика” таълимоти шаклланиши билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлиб, тилшунослар томонидан турлича ёндашувлар асосида ўрганила бошланди. Умуман, ҳар қандай гапнинг бошланғич тузилиш шакли ташқи қурилмани ташкил қилса, трансформация қилиш натижасида пайдо бўлган ҳосила гапнинг ички қурилмаси, деган фикр олға сурилган. Гапнинг ички қурилмасини компонентларнинг дифференциал синтактик-семантик белгиларини парадигматик йўналишда, яъни оппозиция усули ёрдамида аниқлаш зарур бўлади. Гап таркибидаги компонентларни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилишда, авваламбор, категориал дифференциал синтактик-семантик белгилар аниқланади, кейинчалик улар асосида гап таркибида компонентларнинг синтактик ўрнига кўра нокатегориал белгилари ажратилади.

<sup>13</sup>Ҳожиёв А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 2006. №3. –Б. 26-30; №5. – Б 30-39.

<sup>14</sup>Джуманиязов И. Однородные зависимые компоненты в структуре предложения английского языка: Автореф. дисс...канд. филол. наук. –Ташкент, 1989. –21 с.

Синтаксемаларнинг семантикасини аниқлашда ушбу гаптаги дифференциал синтактик–семантик белгини таҳлил қилинаётган гапдан бошқа гаптаги синтаксемалар билан таққослаш муҳимдир. Бунда энг муҳим масала гап таркибидаги синтактик бирликларни компонентларга ҳамда, синтаксемаларга ажратишда бир хил синтактик алоқага асосланиш зарурлигидир. Инструмент элементли гапларни инглиз ва қорақолпоқ тиллари мисолида синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилишда, авваломбор, дифференциал синтактик-семантик белгилардан категориал белгиларни, яъни субстанциаллик, процессуаллик, квалификативлик кабиларни аниқлаб, улар асосида нокатегориал дифференциал синтактик белгиларни ўзаро бир-бирига қарама-қарши қўйилади.

Диссертациянинг **“Инглиз ва қорақолпоқ тиллари гап қурилмасида инструменталликнинг ифодаланиши”**, деб номланган бобида инструменталликнинг жаҳон тилшунослигида ўрганилиши кўриб чиқилиб, ушбу ҳодисанинг инглиз ва қорақолпоқ тилларида эксплицит ва имплицит тарзда ифодаланиш ҳолатлари таҳлил қилинган.

Ҳозирги замон тилшунослигида инструменталлик категориясини ўрганишда турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, у семантик категория ҳисобланиб, ҳар хил изоҳланади. Лингвистик адабиётларда қайд этилишича, қурол ва воситани бир–биридан фарқлашнинг асосий мезони предметнинг субъект ва ҳаракат объекти билан боғланишига боғлиқ, яъни восита гап қурилмасида объект билан яқиндан муносабатда бўлса, қурол эса субъект билан яқиндан алоқада бўлади<sup>15</sup>.

Айрим тилшунослар инструментал ва медиатив (ҳаракат воситаси) синтаксемалар кўпинча аралаш ҳолда келади, деган фикрда. Уларнинг ифодаланишини фақат вариантларидан фарқлаш мумкин: *Segment cut the salami with a knife* – соф инструментал синтаксема, *“there were those two idiots, injuring themselves by violent laughing* – медиатив процессуал акционал тарз синтаксема [82, 138].<sup>16</sup> Бу билан инструментал синтаксема асосан конкрет отлар, ҳар хил предлоғли бирикмалар ёрдамида ифодаланиши кўрсатилиб, медиатив синтаксема эса кўпроқ мавҳум тушунчаларни акс эттирадиган предлоғли бирикмалар ёрдамида ифодаланишини қайд қиладилар.

Аслини олганда, инструментал синтаксемани ҳам медиатив синтаксемани ҳам аниқлашда *by means of*, *by dint of*, *by virtue of*, *with the help of*, *with the aid of* бирикмаларини кўшимча киритиш трансформацияси ёрдамида исботлаш мумкин. Инструменталликни ифодаловчи синтактик бирликларни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилишда, уларнинг синтактик сатҳдаги мундарижаси аниқланади. Чунки инструментал синтаксема

<sup>15</sup>Anderson S, Keenan E. Deixis // Language Typology and Syntactic Description.–Cambridge: Cambridge University Press, 1985. – P.259–308.

<sup>16</sup>Милешин Ю.Н. Варианты инструментальных и медиативных синтаксем в структуре предложений современного английского языка // Лингвистические исследования, -1979. Синтактический анализ разносистемных языков. – Москва, 1979. –С. 136-141.

таркибида турли дифференциал синтактик–семантик белгилар ажратилиши мумкин.

Масалан:

1. He held me up with one hand (JGFS, 81);
2. Do not kill us with kindness (Webster’s dictionary);
3. ...Who led the van supporting a turkey on the palms of his withered hands (PART,243);
4. ... a species of fevor or intoxication ... some persons to brave the guillotine unnecessarily, and to die by it, was not more boastfulness (EHFA, 146);
5. The father had long ago taken up his handle and hidden himself with it (CDHT, 126);

Ушбу гапларда *with ...hand, with kindness, a finger, on the palms, by it, with it* синтактик бирликлари инструментал синтаксемани ифодалаши билан бирга, уни фарқловчи дифференциал синтактик–семантик белгиларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Инглиз ва қорақалпоқ тилларида шундай феъллар борки, улар таркибида инструменталлик семаси ҳам мужассамлашган. Уларни кўргазмали равишда исботлаш учун феълнинг лексик–семантик хусусиятига эътибор бериб, деривация усули ёки маънога қараб трансформация – экспликация (тиклаш) ёрдамида исботлаш мумкин. Бундай феълларга *to kick, to kiss, to taste, to hear, to smell, тебиў, сўйиў, дәм көриў, есимиў, ийис сезиў* ва бошқалар киради.

Масалан: I kicked the ball гапида инструментал синтаксема имплицит тарзда берилган. Бундай ҳолатда сўзловчининг онгида *with my leg* бирикмаси ўз аксини топган. Бу гапнинг деривацияси ёки унинг трансформация экспликация ҳодисаси қуйидагича: I kicked the ball → I kicked the ball with my leg.


Лисоний ҳодисалар тадқиқида бирликлар моҳиятини белгиловчи категорияларни аниқлаш, уларнинг бирламчи ва иккиламчи хусусиятларини фарқлаш ҳамда зоҳиран кузатиладиган моҳиятини ботинадагиларидан ажратиш муҳим эканлиги барчага маълум. Объект ва уларнинг хусусиятлари ўртасидаги фарқ борлиқ мавжудотлари ёки нарса-предметлар ўртасидаги ноўхшашликларга бориб тақалади. Худди шу ҳолат ҳар қандай илмий изланиш учун таянч нукта вазифасини ўташи лозим. Зотан, ҳар қандай моҳият ботинийдагининг зоҳирланиши натижасидир. [қиёсланг: 151, 136-137]. Трансформациялар грамматикасида лисоний воқеликнинг кўзга ташланадиган ҳодиса сифатида идрок этилиши, моҳият эса ботинда қолиши инобатга олинади. Моҳият-доимо ботиний яхлитликдир. Шу боис, кўплаб синтактик бирликларнинг туб мақомини белгилаш учун уларнинг ички ёки ботиний структураларида кечадиган ўзгариш ва қўзғалишларни билишимиз керак.

Трансформация методининг турли синтактик ҳодисалар табиатини ёритишдаги маҳсулдорлиги амалиётда синаб кўрилган. Бу метод айниқса бир хил тузилишга эга бўлган гапларнинг мундарижасини аниқлашда қўл келади. О.С. Ахманованинг таърифича, бир хил структурали синтактик тузилмалар “шакл жиҳатдан бир хил, аммо ҳар хил мазмун ифодалайдиган синтактик

моделлардир”.<sup>17</sup> Тил бирликларининг синтактик-вазифавий номутоносиблигини намоён қилувчи лисоний тажриба ўтказиш, яъни турли трансформация амалларини бажариш методидан синтаксем таҳлил йўналишида ҳам кенг қўламда фойдаланилмоқда. Фикримизча, А.М.Мухин тамонидан таклиф қилинган лингвистик тажрибалар методи инструменталлик синтактик-семантик белгисига эга бўлган бирликларни бошқа ёндош ҳодисалардан фарқлашда ҳам қўл келади.

Маълумки, инструменталлик маъноси ёки муносабати ҳаракат пайтида предмет ёки жараён бажарадиган вазифани лисоний воқелантириш билан боғлиқ. Бунда ҳаракат қуроли ва воситаси ушбу ҳаракат ижросини таъминловчи субстанция бўлса, тарз мазмунидаги бирлик эса ҳаракатнинг қандай бажарилишига ишора қилади. Инструменталликнинг мазкур субкатегорияларини инглиз матнларида фарқлаш жуда қийин кечади. Чунки уларнинг ҳар иккаласи ҳам with+S, by+S каби предлогли бирикмалар ёрдамида ифода топади. Агглютинатив тиллар гуруҳига кирадиган қорақалпоқ тилидаги ҳолат биров бошқачароқ: бу ерда баъзи пайтларда келишик шакллариға мурожаат қилиш мумкин. Аммо, ушбу тил тизимида ҳам кўмакчи ва послелоглар ёрдамида ҳосил бўладиган тузилмалар масалани анча қийинлаштиради. Олимлар қайд этганидек, таҳлил методининг танлови тадқиқ предмети ва қўйилган мақсад билан боғлиқ [9,20-27].<sup>18</sup> Жумладан, моделлаштириш методи тадқиқда гапнинг юнкцион, компонент ва синтаксем моделлари тузилиб, гап бўлақларининг ўзаро боғланишини таъминловчи синтактик алоқалар гуруҳи аниқланади. Синтактик ва синтактик-семантик белгиларнинг чегараланиши, ўз навбатида, синтаксемаларни ажратишга имкон яратади.

Масалан, He was slicing them ...with a black handed knife (LMW,128) гапининг сиртки структураси қуйидаги юнкцион ва компонент моделларида тасвирланади:



Ушбу гапнинг ботиний (ички) структураси унинг синтаксем моделини ҳосил қилади:

**SbAg·PrAc·SbOb·QlfQlt·QlfQlt·SbIns**

Лисоний тажриба жараёнида қўлланадиган трансформация гап таркибини изоҳлаш, у ёки бу синтактик-семантик белгининг мавжудлиги (ёки мавжуд эмаслиги)ни аниқлаш воситасидир. Ушбу воситадан фойдаланиш тадқиқотчидан эҳтиёткорликни талаб қилади. Бундан ташқари, инструментал тузилмаларнинг табиати мураккаб эканлиги ва уни тадқиқ қилиш турлича ёндашувларни талаб қилишини унутмаслик керак [102, 21;

<sup>17</sup>Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – Москва: Изд-во Советская Энциклопедия, 1969. – 608 с

<sup>18</sup>Алпатов В.М. Лингвистическое описание и языковая компетенция лингвиста // Известия РАН. Серия литература и языка, 2010.т.69.№1. – С. 20-27.



194].<sup>19</sup> Масалан, Seymour sliced the salami with a knife гапини Seymour used a knife to slice the salami тузилмасига айлантириш лингвистик тажриба шартларига унчалик мос келмайди. Луғавий қуршов қоидаси талабига риоя қилмаслик, трансформация самарасини камайтиради: used a knife бирикмасида knife бевосита тобе компонент ўрнини эгаллаб, объект синтаксемасини фаоллаштирмоқда.

Инглиз тили тизимида инструментал синтаксемаларнинг эксплицит тарзда ифодаланишида асосан гап қурилмасида субъект, объект, қурол ёки восита ва предикат муносабати муҳимдир. У феъл ёки бошқа сўз туркумлари билан ифодаланиши мумкин. Инглиз ва Америка адибларининг бадий асарларидан йиғилган мисоллар таҳлили гувоҳлик беришича, инструментал синтаксема эксплицит тарзда with+S, by+S, through+S, in+S, on+S, for+S каби моделлар ёрдамида ифодаланади. Дифференциал синтактик–семантик белгиларни аниқлашни ушбу гапдаги синтаксемани бошқа гапдаги бир ҳил синтактик ўринда келган синтаксемалар билан қиёслаш ёрдамида ҳамда бир хил синтактик алоқа асосида амалга ошириш мумкин. Гап қурилмасини синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилишда, авваламбор, категориал дифференциал синтактик – семантик белгиларни, яъни “субстанциаллик”, “процессуаллик”, “квалификативлик” белгиларни аниқлаш даркор. Ушбу ишимизда асосан “with+S” модели доирасида инструментал синтаксема аниқланди. Субстанциаллик – бу категориал синтактик–семантик белгилардан бири бўлиб, у предметни ёки субстанцияни ифодалаш билан боғлиқ тушунчадир [91, 155–175].<sup>20</sup> Айтиш жоизки, with+S моделдан ташқари by+S, through+S, over+S, in+S, on+S, out of+S, for+S каби моделлар ёрдамида ҳам ушбу синтаксеманинг турли вариантлари ифодаланади:

1. The fields divided by stone walls. (EHFA, 254);
2. The houses were occasionally stirredby the wind. (YD, 22);
3. He run down through the fields (YY,37);
4. Fleur fled through the wicket–gate. (YY,37);
5. We returned to the little hospital in the ambulance (EHFA,101);
6. I came in on the early train (EHFA,214);

Инструментал локатив синтаксемаларнинг ифодаланиш усуллари ҳақида мулоҳаза юритилганида, гап қурилмасида кесим ўрнида келган феълнинг ҳамда номинатив лексемаларнинг лексик–семантик хусусиятларига эътибор қилиш талаб қилинади. Чунки феъллар субъектнинг объектга аниқ таъсирини, мавҳум ҳаракатни, манзилнинг аниқ нуқтасига етишига ёки ҳаракатнинг бажарилишига йўналтирилганлигини кўрсатади.

Синтаксемаларга ажратиб қилинган таҳлилдан кўринадики, инструментал синтаксема асосан with+S, by+S, through+S, in+S, on+S, out of+S, for+S каби бирикмалар ёрдамида ифодаланади. Инструментал синтаксеманинг предлогсиз вариантлари, кўпинча to wave, to wag, to drum каби феълларга тобе бўлиб келиши мумкин. Бундай феълларни, лексик–

<sup>19</sup>Оганесян Н.С. Выражения инструментальных отношений в структуре простого предложения английского языка, Автореф.дисс...канд.филол.наук. – М, 1985. –21 с

<sup>20</sup>Мухин А.М. Синтаксемный анализ и проблема уровней языка. –Ленинград: Наука, 1980.–304 с

семантик гуруҳларга ажратиб чиқиш ва инструменталлик доирасида аниқланган синтаксемаларнинг ҳар хил вариантларини ва уларнинг субординатив алоқа асосида қандай синтаксемалар билан ўзаро боғланиши имкониятларини аниқлаш мумкин. Умуман туркий тиллар гуруҳига кирувчи тиллар материалида инструменталлик категорияси алоҳида тадқиқ объекти сифатида кузатилмаган бўлса-да, ёрдамчи сўз туркумлардан кўмакчилар доирасида қисман кузатилади. Тилшуносларнинг таъкидлашича: “Кўмакчи ўзи боғланиб келган сўздан кейин келиб, сўзлар орасидаги биргалик, пайт, сабаб, мақсад каби турли-туман муносабатларни ифодалашга хизмат қилади” [140, 374]

Демак, кўмакчилар маъно ва вазифа жиҳатидан келишик аффиксларига яқин туради. Шунинг учун баъзан келишик шакллари англатган маъно кўмакчи билан ҳам ифодаланади. (Машинада келдим → машина менен келдим). Лекин кўмакчи келишик аффиксларига қараганда маънони аниқ, конкрет ифодалайди. Қорақалпоқ тили гап таркибида инструментал синтаксемани ифодаловчи синтактик бирликлар эксплицит тарзда асосан *от+жәрдемінде, от+менен, от+ арқалы, от+пенен, от+мен* кабилар ёрдамида ифодаланади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги қорақалпоқ адабий тилида инструментал синтаксеманинг *от+менен* шаклида ифодаланиши анча маҳсулдор ҳисобланади.

1. Избасар баҳадырдың өзи әўелги қашқан ала атлының изинен жетип найза менен қулатты. (ТҚҚД, 230);

Соның арасында әўелги атлының екинши жолдасы келип, мынаў атлыны дойыр менен сулайтып, Ақбийдайды алдына өңгерип ала қашты. (ТҚҚД, 232); Юқорида келтирилган мисолларда найза менен, дойыр менен, тузилмалари субстанциал инструментал синтаксемани ифодалайди. Далолат сифатида менен элементини жәрдемінде, арқалы кабиларга алмаштириш имкониятини кўрсатиш мумкин:

#### II. От+арқалы:

1. Күн сайын рация арқалы еки жақ хабарласып турады (АО, 25);
2. Соннан кейин телефон арқалы сөйлесе алатуғын боламыз (МДМБ, 102).

Келтирилган мисолларда рация арқалы, телефон арқалы синтактик бирликлар категориал синтактик-семантик белгидан ташқари, соф инструментал синтаксемани ифодалайди. Ушбу гапларда берилган от+арқалы синтактик бирликлари ҳам *от+менен, от+жәрдемінде* кабилар билан эркин жой алмаштиради.

#### III. От+жәрдемінде

1. Ойын ўақтындағы ҳәр қыйлы комбинациялар жәрдемінде қарсылас командаға аңсат ҳужим жасаў, жеңиў имканиятлары жаратылады. (ҚМУ, Хабаршы, 2015 №2, б 36);

2. Балан үйрек бармағы жәрдемінде бирим бирим санай баслады. (АСМТ, 76).

Берилган мисоллар таркибида комбинациялар жәрдемінде, бармагы жәрдемінде, каби синтактик бирликлари нокатегориал белгиларига нисбатан инструментал синтаксемани ифодалайди.

Мисолларнинг тахлилидан маълумки, қорақалпоқ тилида инструментал синтаксеманинг эксплицит тарзда ифодаланиши асосан қурол, восита, инсон тана қисмларини (қўл, оёқ, бармоқ ва бошқалар) англатувчи луғавий бирликлар ёрдамида амалга ошади. Чунки мисоллар таркибидан *менен, пенен, жәрдемінде, арқалы, бенен* кўмакчиларни тушириб қолдириш гапнинг асосий мазмунини бузиши мумкин. Инглиз тилида инструментал синтаксема эксплицит тарзда гап қурилмасида ядро бўлмаган тобе компонент ўрнида турлича предлоглар воситасида ифодаланиши айтилди. Қиёсланг:

1. Jeff unlocked the door with a key. (DHLR, 84);
2. He wiped his lips slowly with napkin (OWPD, 196);
3. I pulled the cork with my pocket-knife (EHFA, 239);

Мазкур мисолларда *with a key, with napkin, with... pocket-knife* кабилар субстанциал инструментал синтаксема вазифасини бажаради. Бундай синтактик бирликларнинг инструментал синтаксемани ифодалашида гап таркибида ядро предикатив 2 ўрнида куйидаги лексик бирликлар келиши мумкин: to touch, to brush, to sook, to jaff, to turn, to fill, to pill, to wipe up, to clean, to rock, to tickle, to ruffle, to staff, to light, to shut, to cover, to prod, to caress, to hold, to catch, to write, to kill, to leek, to make, to rub, to pass, to knock, to follow, to dust, to sweep, to strike, to pull, to knock, to follow, to dust, to strike, to tap, to store, to motion ва бошқалар.

Бу+от моделдаги инструментал синтаксема ва унинг вариантлари асосан гап таркибида ядро предикатив 2 ўрнида келган мажхул даража шаклидаги синтактик бирликлар билан боғланади.

1. She had been surprised by a letter (THJO, 232);
2. Dorian Gray had been poisoned by a book. (AW, 178);

Ушбу гапларда *by a letter, by a book*, каби синтактик бирликларнинг инструментал семантик белгисини аниқлашда ушбу унсурларга *by means of* ни қўшимча бириктириш трансформациясига мурожаат қилинса, гаплардаги мажхул нисбат шаклида берилган унсурларни аниқ нисбатга айланттириш билан агентив синтаксеманинг юзага келганлигини кўриш мумкин:

(1) She had been surprised by a letter → she had been surprised by means of a letter → A letter had surprised her.

(2) Dorian Grey had been poisoned by a book → Dorian Grey had been poisoned by means of a book → A book poisoned Dorian Grey.

Лекин бундай ҳолат қорақалпоқ тили мисолида учрамайди. Бу тилда *with+от, with the help of+от* вариантларига мос келадиган вариантлар от+жәрдемінде, от+эғалик қўшимчаси от+менен, ёки от+пенен кабилар бўлиб, улар ёрдамида соф субстанциал инструментал ёки субстанциал инструментал посессив синтаксемалар ҳосил бўлади:

1. Ол тез аршасын гилт жәрдемінде жыңқ еттирип ашты. (ӘТЕС, 38);
2. Бай қораның ишин гүрек пенен ысырыўын даўам ете берди. (ҚТҚД, 109);

Қорақалпоқ тилида инструментал синтаксеманинг мавжудлигини ўрин-пайт келишиги шакли орқали юзага чиқариш мумкин:

1. Бурон кемеде бир саатта баратуғын еди (ТҚҚҚ, 58)
2. Мен бул жерге машында келдим (ОЭТШ, 499)

Келишик кўшимчаси ёрдамида инструментал синтаксемаларнинг ифодаланиши инглиз тилига хос эмас.

Диссертациянинг «**Инглиз ва қорақалпоқ тилларида инструментал синтаксемаларнинг парадигматикаси**» номли учинчи бобида инструментал синтаксемаларнинг турли вариантлари гуруҳланиб, уларнинг у ёки бу парадигматик қаторларга тақсимланишини таъминловчи омиллар аниқланган.

Тил ҳодисаларини синтагматик ва парадигматик кўламда талқин қилиш бўйича тилшунослар ўртасида анчагина баҳсталаб ҳолатлар кўзга ташланади. Чунки ушбу муаммога оид тил материални таҳлил қилишда ҳар хил мулоҳазалар, турлича ёндашувлар мавжуд. Аслини олганда, синтагматик ва парадигматик муносабатларнинг тилшуносликка кириб келиши Ф.де Соссюр номи билан боғлиқ.

Инглизшунос олим М.Я. Блохнинг таъкидлашича, парадигматика синтактик сатҳда синтактик бирликлар кўринишларини тизимли тарзда изоҳлашни билдириб, гапнинг ички қурилмаси деб тушунилса, синтагматика ёки элементар синтактик бирликларнинг синтагматик муносабатлари эса гапнинг ташқи қурилмасини шакллантиради [24, 18].<sup>21</sup>

Ю.Б.Ганнинг таъкидича, “...алоҳида синтактик элементларнинг парадигматикаси – гап компонентлари ва уларнинг парадигматик қатори синтактик категорияларнинг инвариантларидир” [38, 4].<sup>22</sup> Олимнинг ушбу таърифини қўллаб қўвватлаган ҳолда, биз синтактик сатҳда парадигматикани гап таркибида иштирок этган синтактик бирликларнинг коннотатив ва факультатив вариантлари қатори ташкил қилишини эътироф этамиз. Инглиз ва қорақалпоқ тиллари мисолида инструментал синтаксемали гаплар таркибидаги синтактик бирликларнинг вариантларини аниқлаш ва бунда бир гап таркибидаги эмас, балки бир неча гап таркибидаги инструментал синтаксемаларни бир хил синтактик ўринда келган синтактик бирликлар билан контраст усулида тадқиқ этишни объект қилиб олинган синтаксеманинг парадигматика қаторини ўрганиш, деб тушунилади.

